

“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича мурожаати

<https://uzkemyosanoat.uz/uz/anticorruption/message/obrashchenie-predsedatelya-pravleniya-ao-uzkemyosanoat-po-voprosam-borby-s-korrupciei>

Ҳурматли ҳамкаслар, жамоатчилик ва ҳамкорлар!

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига қатъий ва тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Коррупцияни ислоҳотларга қарши энг катта тўсиқ сифатида баҳолаб, давлатимиз раҳбари бу иллатга қарши кенг қамровли, халқчил ва очиқ механизmlарни жорий этмоқда.

Айни пайтда, мазкур сиёсат доирасида “Ўзкимёсаноат” АЖ ҳам ўзининг барча тармоқ ва корхоналарида коррупцияга қарши таъсирчан тизимларни жорий этиб, превентив чоралар, шаффоффлик ва ҳисобдорлик принципларига амал қилмоқда.

Асосий фаолият йўналишимиз - минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва уларни ички ҳамда ташқи бозорларга самарали етказиб беришдан иборат. Бунда, коррупциядан холи, ҳалол ва шаффофф мұхитни таъминлаш - нафақат ички тизимимизнинг барқарорлиги, балки халқаро шерикларимиз ва инвесторлар ишончининг асосидир.

“Ўзкимёсаноат” АЖ нафақат миллий бозорда, балки халқаро майдонда ҳам фаолият юритади. Шу боис хорижий инвесторлар билан ишончли ва очиқ муносабатларни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини ҳимоя қилиш ва шаффофф бизнес мұхитини шакллантиришни асосий вазифа деб биламиз.

Мамлакатимизда кейинги етти йилда 120 миллиард доллардан зиёд инвестиция жалб этилгани, иктисадиётимизнинг икки баробар ўсгани - шаффоффлик ва қонун устуворлигига асосланган сиёсатнинг натижасидир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида белгилаб берган 55 та аниқ ташабbus, жумладан:

- комплаенс назоратини кучайтириш,
- давлат харидларида электрон платформалар жорий қилиш,
- майший коррупциянинг олдини олиш,
- давлат хизматчилари даромадларини декларациялаш,
- фуқаролик жамиятининг иштироки, каби устувор вазифалар фаолиятимизнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Жорий йилда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти тизимида шаффоффликни таъминлаш, коррупциявий омилларнинг олдини олиш ва давлат маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида замонавий Ситуацион марказ фаолиятини йўлга қўйиш ишларини олиб бормоқда.

Ситуацион марказ бир қатор афзаликларга ва қўйидаги имкониятларга эга:

1. Давлат харидлари жараёнларини доимий мониторинг қилиш
 - харидлар режаси, эълонлар, тендер натижалари ва шартномалар очиқ таҳлил этилади;
 - барча босқичларда шаффоффлик ва тенглик тамойиллари таъминланади.
2. Қарор қабул қилиш жараёнда маълумотларга асосланган назорат
 - харид обьектлари бўйича статистик ва динамик таҳлиллар автоматлаштирилади;

- нархлар тенденцияси, талаб ва таклиф мониторинги йўлга қўйилади.
- 3. Коррупция хавфларини камайтириш
 - ҳар бир давлат хариди бўйича коррупцион хавф индикаторлари автоматик аниқланади;
 - шубҳали келишувлар ва келишилган тендерлар барвақт аниқланиб, тегишли чоралар кўрилади.
- 4. Пул айланмасини онлайн мониторинг қилиш
 - тендер ғолибларига тўланган маблағлар реал вақтда назорат қилинади;
 - манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли бўлган ҳолатлар ўз вақтида аниқланади.

Ҳурматли жамоа аъзолари!

Коррупция - нафақат қонунбузарлик, балки тараққиётга тўсиқ, жамият адолатига хиёнатдир. Биз барчамиз - раҳбарлар, мутахассислар, ишчи-ходимлар - бу иллатга қарши бир тану бир жон бўлиб курашмасак, юксак натижаларга эриша олмаймиз.

“Ўзқимёсаноат” АЖ коррупцияга қарши курашишда ўз зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришда давом этади. Ҳар бир фаолиятда ҳалоллик, шаффофлик ва жавобгарлик тамойиллари устувор бўлади.

Бугунги кундаги ютуқларимизни сақлаб қолиш ва янада юксалтириш учун барчамизни ўзаро ҳамкорлик, масъулият ва виждонли меҳнатга чорлайман.

Коррупциясиз жамият - умуммиллий вазифа!

Хурмат билан,
“Ўзқимёсаноат” АЖ бошқарув раиси
Темиров Одил Шукрович